

Араб тили — дунё тили бўлганидан хабардормисиз?



11:30 / 27.08.2021 2087

«8-аср ўрталаридан бошлаб 11-аср охиригача араб тили илм майдонида бутун инсониятнинг тили ҳисобланган. Ғарбда чуқурроқ маърифатга рағбат уйғонганда араб тили уларнинг биринчи ўринда эътиборини тортган нарса эди. Уларнинг уйғониши (илмий юксалиши)нинг манбалари юнон тилида эмас, араб тилида эди».

Жорж Сартон, тарихчи

Аббосийлар даврида Ислом олами маърифатнинг барча соҳаларида юксак илмий уйғонишга гувоҳ бўлди. Башарият илмий меросини ўрганишда араб тили асосий воситага айланди. Ўша пайтдаги мусулмон олимлар қадимги асарларни таржима қилиш билан чекланмай, балки уларни шарҳлаб, башарият фикрининг нурланишига сабаб бўладиган ва юксалишга ундайдиган янги назарияларни тақдим этдилар. Бу илмий инқилобда асосий тил араб тили эди. Ўшанда тақдим этилган илмий истилоҳлар бугунги кунгача қўлланиб келмоқда. Масалан алгебра. Арабчасига $جبر$ (ал жабр). Бобомиз Ал-Хоразмий асос солган илмул жабрнинг ғарбча номланиши алгебра бўлади.

Ўрта асрларда европаликлар араб тилини ўрганишга ўзларини урдилар. Подшоҳ ва машҳур кишилар ўқилларига араб тилини ўргатар ва

мажлисларда араб тилида гаплашардилар. Сицилия қироли Вилям иккинчи фақат араб тилида мурожаат қиларди. Германия қироли Фредерик иккинчи ҳукумат мактабларининг ҳаммасида араб тилини ўрганишни мажбурий этиш ҳақида қарор чиқарган.

Милодий 10-асрда Италиянинг Салерно шаҳрида тиббиёт университетига асос солинди. Африкалик Константин исмли шифокор Розий, ибн Жаззор, ибн Сино асарларини лотин тилига таржима қилган.

1473 йилда Франция қироли Луис ўн биринчи университетларда Ибн Рушднинг фалсафа борасидаги асарларини араб тилида ўқитиш ҳақида фармон чиқарган.

Бу маълумотлар араб тили фақат адабиёт, балоғат тили бўлмай, балки дунёнинг турли ҳудудларида илм-маърифат тили ҳам бўлганини исботлайди.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси